




# XASR



ЎТМОЙ-  
СИЙОСИЙ  
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан  
чора бошлаган


TADBIRKORLAR VA  
ISHBILARMONLAR HARAKATI  
— O'ZBEKISTON LIBERAL-  
DEMOKRATIK PARTIYASI  
NASHRI



ХУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАР ВА  
ШАРТ-ШАРОИТЛАР САМАРАСИ  
ЎЛАРОҚ, БУГУНГИ КҮНДА  
ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН  
ОММАВИЙ АХБОРОТ  
ВОСИТАЛАРИНИНГ УМУМИЙ  
СОНИ 1200 ТАГА ЕТДИ



ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИДА  
ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 130 ДАН  
Ортиқ ишлаб чиқариш  
корхоналари, шу жумладан,  
110 та кичик бизнес ва хусусий  
тадбиркорлик субъектлари  
иштирок этмоқда



260 ДАН Ортиқ трансгеаравий  
дарёларнинг 70 таси Европада,  
53 таси Осиё, 39 таси  
Шимолий ва Марказий  
Америкада, 38 таси Жанубий  
Америка ва Ниҳоят 60 таси  
Африкада жойлашган

2011 йил 21 апрель, пайшанба  
16 (388)-сон,  
E-mail: axborot@xasr.org

03 КОНЦЕПЦИЯ

06 ИСЛОХОТ

07 ХАЛҚАРО  
ХАЁТ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ХХР РАИСИ ХУ ЦЗИНЬТАОНИНГ ТАКЛИФИГА  
БИНОАН 2011 ЙИЛ 19-20 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ  
БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ



томонлама ва кўп томонлама муносабатларни жадал ривожлантириш жараёнининг мантқий давоми, ҳар икки томонни қизиқтирган гоёт муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш ва уларни муҳокама қилиш, самарали ҳамкорлигимизга янги суръат бахш этиш имконияти сифатида қарай-миз”, деб таъкидлади.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатда икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларга онд долзарб масалалар, жумладан, сиёсий соҳада, хавфсизлик муаммолари борасида, савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик хусусида атрафлича фикр алмашилди.

Бўлиб ўтган музокараларнинг мазмун-моҳияти ва муҳокама қилинган давлат аҳамиятига молик йirik масалаларнинг кўлами томонлар ўзаро муносабатларнинг кун тартибига қўйилган масалаларига, мамлакатларимиз олдига турган стратегик вазифаларни ҳал этишга нечоғли жиддий ёндашганини намоён этди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон ва Хитой ўзаро муносабатларнинг янги даврига, сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйётганини, бу босқич юқори технологиялар соҳасида кенг қўламли ҳамкорлик бошлангани билан изоҳланганини таъкидлади.

Сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муҳим келишувларга эришилди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Вэнь Цзябао билан учрашди. Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг музокарасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни яқин йилларда тубдан кенгайтириш бўйича эришилган келишувларни амалиётга жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Хитой томони Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланиш динамикаси ва кенг қўламли тузилмавий янгиланишларга юксак баҳо берди ва юқори технологиялар соҳасида, жумладан, саноат ва технология парклари яратиш орқали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини билдирди.

Ўзбекистон раҳбари Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Раиси У Банго билан учрашди. Мулоқот чоғида давлатлараро ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

2 >>>



## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

### Озод ва обод юрт мулкдорлари

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИНING КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ ЙИГИЛИШИДА О'ZLiDeP ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИКИЛГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ «БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!» ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ» МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мустақиллик ҳар қандай халқ тарихидаги энг шонли воқеа бўлиб, миллат шайни, қадр-қиммати, эл-юрт обрўининг юксалиши ва албатта тенглар ичра тенг бўлиши ҳам истиқлол туфайлидир. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда истиқлол — нури истиқбол ибтисоди, тобелик интиҳоси ва мудроқликнинг поёни бўлди.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказиладиган амалий тадбирлар дастури» муҳокама-сига бағишланган мажлисда ана шундай фикрлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Фермер хўжаликлари уюш-

масида ўтказилган мазкур тадбирда истиқлолнинг халққимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги беқиёс ўрни, энг улуг, энг азиз байрам сифатида нишонланган кўн кулуг айём экани ва О'zLiDePнинг ушбу сана муносабати билан тайёрлаган амалий дастурида, аввало, ана шу жиҳатларга кўпроқ ўрин берилиши кераклиги айтилди.

— Мустақиллик йиллари

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимиз тарихида мулақо янги саҳифаларни очди, жаҳиятимизнинг ижтимоий қиёфаси ва юрдошларимизнинг дунёқараши тамомилан ўзгарди, — деди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Муҳаммадйосиф Тешабоев.

2 >>>

## Фермер хўжаликлари учун қўшимча кафолатлар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 18 АПРЕЛЬ КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРИНГ ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШДА ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҚИШЛОҚЛАРИМИЗДА ЕТАКЧИ КУЧГА АЙЛАНГАН ФЕРМЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ

Муҳаммадйосиф Тешабоев, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси

Мазкур Фармони ўз навбатида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жаҳиятини ривожлантириш Концепцияси»да қайд этилган «ҳар бир тадбиркор аввало шунинг аниқ равшан билиб олиши кераки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячиси-дир» деган гоёнинг амалдаги

ифодаси деб ҳам баҳолаш мумкин.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка, хусусан, Ер кодексининг 53-моддасига кўра фермер хўжалиги ўзига ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжа-

лик юртивчи субъект ҳисобланади. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга биноан эса фермер хўжаликлари-нинг қишлоқ хўжалигига мулкдалланган ва захира ерларда ташкил этилиши белгиланган бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъектлари саналади.

2 >>>

## Халқ иродасининг амалдаги ифодаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (78, 80, 93, 96 ВА 98-МОДДАЛАРИГА)»ГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ



Тўлқин ТУРСУНОВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
депутати, Қонунчилик ва  
суд-ҳуқук масалалари  
кўмитаси раиси  
ўринбосари

Ўтган йиғирма йил мобайнида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат куриш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида қарор топтириш борасида қандай натижаларга эришилган бўлса, бунда 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Бош Қомусимиз мустақкам ҳуқуқий асос бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан

қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96, ва 98-моддаларига)»ги қонун эса ўз мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимизни модернизация қилишда кучли давлатдан кучли фуқаролик жаҳиятига босқичма-босқич ўтишни янги босқичга қадам қўйилаётганидан далолат беради.

03 >



1 Австрали доллары	↑ 1782,98	1 АҚШ доллари	↑ 1689,23	1 Хитой юани	↑ 258,72	1 Туркия лираси	↑ 1118,25	1 Япония иенаси	↑ 203,87
1 Англия фунт стерлинги	↑ 2753,11	1 Миер фунти	↑ 283,95	1 Малайзия рингити	↑ 559,26	1 Швейцария франки	↑ 1890,30	1 Россия рубли	↓ 59,86
1 Дания кронаси	↓ 325,84	1 Исландия кронаси	↓ 14,90	1 Польша злотийси	↓ 615,52	1 ЕВРО	↑ 2443,30	1 Украина гривнаси	↑ 212,02
1 БАА дирраами	↑ 459,98	1 Канада доллари	↓ 1755,77	1 СДР	↑ 2699,36	1 Жанубий Корея вони	↓ 15,50		

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 19 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:



# КОНЦЕПЦИЯ

### Ҳар бир тадбиркор, аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир.



**Ҳуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитлар самараси ўлароқ, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони қарийб 1200 тага етди.**

**Қонун аҳолининг сиёсий партиялар орқали давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги иштирокини янада кенгайтиради.**

**Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш O'zLiDeP электорати манфаатларини рўйга чиқаришнинг бирламчи йўналишидир.**

16 (388)-СОҢ

2011 йил 21 апрель,  
пайшанба

e-mail:  
axborotXXI@yahoо.com

## Ахборот ва сўз эркинлиги демократия асосидир

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИКИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА ТАКЛИФ ЭТИЛГАН «ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРДАГИ ИСЛОХОТЛАРДАН ХАБАРДОР ҚИЛИБ БОРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГАДИР**

**Абдурашид ЖЎРАБОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборот олиши кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунларда эса ушбу мезо-ривожлантирилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан ҳар қимнинг эркин фойдаланиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, аҳолини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида мунтазам хабардор қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унга асосан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хизматлари ташкил этилди.

Шунингдек, ОАВнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида теzkор ахборот олиниши йўлга қўйиш мақсадида интернет тармоғида давлат идораларининг веб-сайтлари ташкил этилди.

Натижада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг веб-сайтлари орқали кўрсатилаётган интерактив хизматлар миқдори 2002 йилдагига нисбатан 2,8 баробарга ошди ва айни вақтда 340 тани ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотлар тўғрисидаги ахборотларнинг нафақат фуқароларимизга, балки хорижий мамлакатларга етказилишига ҳам хизмат қилмоқда.

Бундай ҳуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитлар самараси ўлароқ, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Бу кейинги ўн йилда босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробарга кўпайди, деганидир.

Маъруза соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича миллий ва хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда тайёрланган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса авваломбор, ҳар қимнинг давлат органлари фаолияти ҳақидаги ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, узатиш

ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилиши билан ниҳоятда муҳимдир. Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқлигининг асосий принциплари сифатида ахборотнинг очиқлиги ва ошқоралиги, теzkорлиги ҳамда ҳаққонийлигини белгилаш кўзда тутилмоқда.

Жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида қонун лойиҳасида ахборотни тақдим этиш юзасидан мутасалли ташкилотларнинг мажбуриятлари ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини белгилаш, ахборотдан эркин фойдаланиш тартибини бузганлик учун жисмоний ҳамда юридик шахслар жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унга асосан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хизматлари ташкил этилди.

Шунингдек, ОАВнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида теzkор ахборот олиниши йўлга қўйиш мақсадида интернет тармоғида давлат идораларининг веб-сайтлари ташкил этилди.

Натижада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг веб-сайтлари орқали кўрсатилаётган интерактив хизматлар миқдори 2002 йилдагига нисбатан 2,8 баробарга ошди ва айни вақтда 340 тани ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотлар тўғрисидаги ахборотларнинг нафақат фуқароларимизга, балки хорижий мамлакатларга етказилишига ҳам хизмат қилмоқда.

Бундай ҳуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитлар самараси ўлароқ, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Бу кейинги ўн йилда босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробарга кўпайди, деганидир.

Маъруза соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича миллий ва хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда тайёрланган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса авваломбор, ҳар қимнинг давлат органлари фаолияти ҳақидаги ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, узатиш



Абдурашид Жўрабовнинг таъкидлашича, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ўз аксини топан нормалар партия дастурида эълон қилинган мақсад ва мудоаларга ҳамоҳанг бўлиб, оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада оширишга хизмат қилади.

хизматлари, медиатизмлар ишининг такомиллаштиришига, фуқароларнинг давлат ва жамият қирлиши жараёнларида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиб, бу органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳам зарур шароитларни яратиб беради.

Албатта, ҳар қонун лойиҳасини тайёрлашда дунёнинг бир қатор давлатларининг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиш, уларнинг миллий қонунчилигимиз билан қиёсий таҳлилининг ўтказиш зарур. Шу маънода, Буюк Британиянинг «Ахборот эркинлиги тўғрисида», АК-Шнинг «Ҳуқуқнинг очиқлиги тўғрисида»,

Франциянинг «Фуқароларнинг давлат органлари билан муносабатлари тўғрисида», Жанубий Кореянинг «Давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборотни очиш тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, Россиянинг «Давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ОАВда ёритилиши тўғрисида», Эстониянинг «Давлат ахбороти тўғрисида»ги қонунларини ўрганиб, уларнинг миллий қонунчилигимизга мақбул жиҳатларидан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш мақсадаги мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ва ҳаётга жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусидаги фикрлар хилма-хиллиги ҳамда сиёсий плюрализмни таъминлашга кўмак беради. Қонун лойиҳасида ўз аксини топан нормалар партия дастурида эълон қилинган мақсад ва мудоаларга ҳамоҳанг бўлиб, оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. O'zLiDeP ҳуқуқий демократик давлат қуриш жамиятининг фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланишига бевоқифа боғлиқ, деб ҳисоблайди ва унинг қонун асосларини янада мустаҳкамлашда парламентдаги ўз вакилларига таянади.

натнинг биргаликдаги ваколатлари сифатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш тартиби йўлга қўйилди. Бу ҳолат давлат ва жамият ҳаётида парламентнинг, сиёсий партияларнинг социал-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳадаги доимий тус олдандагина фойдаланилиши, шундай вазият юзага келган тақдирда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан бир қисми қўллаб-қувватлагандагина амалга оширилиши ва кўриб чиқиш учун Президентга тақдим этилиши ёдда тутиш зарур. Президент эса ушбу тақдирни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган ушбу ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги қонуннинг 78 ва 93-моддаларига ҳам тегишли тузатишлар киритилди. Унга кўра, эндиликда Қонунчилик палатаси ва Се-

## Ислохотлар муваффақиятидан электорат манфаатига

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ МАШҲУР БЕШ ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА УЛКАН САМАРАЛАР БЕРГАН, ҚАРИЙБ ЙИГИРМА ЙИЛ ИЧИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ 3,5 БАРОБАР ҲАМ, АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ҲИСОБЛАГАНДА 2,5 БАРОБАРНИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИ ЭСА 3,8 БАРОБАРНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ХАЛҚАРО ТАҲЛИЛЧИЛАР ТОМОНИДАН ҲАМ ИСЛОХОТЛАРНИНГ РЕАЛ НАТИЖАСИ СИФАТИДА БАҲОЛАНМОҚДА**

Айниқса, иқтисодийта амалга оширилган янгиланишлар, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги изчил саяё-ҳаракатларни дунё ҳамжамияти, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққийёт банки сингари нуфузли ташкилотлар ҳам эътироф этапти.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифалар эса ислохотларнинг янги bosқичини бошлаб берди. Шу асосида O'zLiDeP ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, кенг қўлама ишларни амалга оширмоқда.

Зеро, демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш O'zLiDeP электорати манфаатларини рўйга чиқаришнинг бирламчи йўналиши бўлиб, партия Дастурида қайд этилганидек, иқтисодий либераллаштириш соҳасидаги устувор вазифа бу — хусусий мулкчилик етакчи ўрин тутган кўп қиррали иқтисодий янада ривожланишига қўлама ишларни амалга ошириш. Ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифалари ажралмас жараён бўлиб, партия айнан шу қатлам ислохот доирасида иқтисодий эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги тахририни тайёрлаш устувор вазифа экани таъкидланди.

Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишидаги устувор вазифалар орасида мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қатор қонунларни қабул қилиш, мавжудларини такомиллаштиришга қаратилган вазифалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

«Кредит ахбороти алмаишуви тўғрисида», «Гаров реестри тўғрисида», «Инвестиция ва пай фон-



**Бахтиёр ИМИНОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

ҳисоблайдилар. Зеро, ушбу масалаларнинг ечимини топиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир.

Концепцияда, шунингдек, иқтисодийта кичик бизнесни, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш механизмини соддалаштириш, тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар яратиш, молиявий ресурслардан фойдаланиши учун имкониятларни кенгайтириш, давлат буюртмаларини олиш, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотиш учун қўриқма қулайликлар яратиш масаласига алоҳида ўрин берилган. Шунингдек, унда халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига bosқичма-bosқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби масалалар ўз аксини топиши лозим бўлган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги тахририни тайёрлаш устувор вазифа экани таъкидланди.

Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишидаги устувор вазифалар орасида мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қатор қонунларни қабул қилиш, мавжудларини такомиллаштиришга қаратилган вазифалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

«Кредит ахбороти алмаишуви тўғрисида», «Гаров реестри тўғрисида», «Инвестиция ва пай фон-

длари тўғрисида», «Иновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши, энг аввало, партия электорати ҳисобланган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга хизмат қиладди, албатта. Шу боис ҳам бугун фракциямиз аъзолари «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида» ҳамда «Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини тайёрлаш устида амалий ишлар олиб бормоқдалар. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши мулкдорлар қатламини кенгайтириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish, янги иш ўринлари яратиш ҳамда шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Концепцияда илгари сурилган тақдирларнинг ҳаётлигини таъминлаш мақсадида фракция аъзолари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашилардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари электорат вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш, юқорида тилга олинган масалалар юзасидан уларнинг тақдир ва мулоҳазаларини ўрганиш, жойларда парламент ва депутатлик назоратни жонлантириш бўйича олиб борилаётган тизимли ишларни янада жадаллаштиришга эътибор қаратмоқдалар.

Зеро, Концепцияда белгилаб берилган вазифалар, илгари сурилган амалиётга татбиқ этиш, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг бажарилишида фаол иштирок этиш Ўзбекистон Либерал-демократик партияси олдидаги энг долзарб масалалар.

# Бурч фаолликка ундайди

## О'ZLIDEP СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ, АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ, ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИ ОШИРИШ БЎЛИМИ МУДИРИ ГЎЗАЛ ИБРАГИМОВА «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Наргиза КАҲХОРОВА, «XXI ASR»

— Юртбошимизнинг «Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини кўтариш давлатчилигимизнинг устувор ва асосий йўналишларидан биридир» деган сўзлари бутун Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқи ва эркинлиги, кадр-қимматини кафолатлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини аниқлаётди. Ўз навбатида, опа-сингилларимиз ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаш, билдирилаётган катта ишончни оқлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Айни пайтда О'zLiDePнинг воҳадаги аъзолари сафида 930 нафар тadbirkор, 30 нафарга яқин фермер хотин-қизлар бўлиб, уларнинг 5 нафари халқ депутатлари вилоят кенгашига, 17 нафари шаҳар ва туман кенгашларига депутатликка сайланганлар. Бу опа-сингилларимизнинг сиёсий фаоллиги, тadbirkорлиги билан ҳам ҳурмат топаётганини кўрсатади. Ҳисобот даврида ҳудуднинг барча партия тузилмалари томонидан айнан хотин-қизлар манфаатини йўналдиришга қаратилган 70 дан ортиқ давра суҳбати, ўқув-семинарлар ташкил этилиб, уларда асосан аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, юртимизда кечатган сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар, янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини хотин-қизларга ет-

казиш, жамиятимиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаолликка эришиш, шунингдек, хотин-қизлар орасидан кадрлар захирасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Сурхондарёда янги иш ўринлари яратилганда «Аёллар қаноти» иштирокини қандай баҳолайсиз?

— Албатта, бандлик масаласи О'zLiDeP учун энг бирламчи масала бўлгани учун ҳам партия хусусий секторни янада ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртиларини битираётган ёшларнинг билим ва кўникмаларини ошириш орқали уларни тadbirkорликка йўналтиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тadbirkорлик фаолияти-

дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

— «Аёллар қаноти» бўлимининг шу кеча-қундуздаги асосий эътибори нималарга қаратилмоқда?

— 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик йили» Давлат дастурининг ижроси учун ҳам кўшимча имкониятлар яратиб берганини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда сафимиздаги 960 нафар фермер ва кичик бизнес эгалари бўлган ташаббускор хотин-қизларимиз ҳам ана шу мақсадда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Хусусан, Термиз туманидаги «Сурхон воҳаси» фермер хўжалиги раҳбари, Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутати Риболат Маматкулова сингари ўнлаб аёлларимиз бу борада бошқа сафдошларга ўрнак бўлаётганлар. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида 2010 йилда 450

нафар хотин-қиздан 3 нафари республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

— «Аёллар қаноти» олдидики қандай муаммолар, ечимини кутаётган масалалар бор?

— Ўтган йилги ишларимизни таҳлил қилсак, ўтказилган барча тadbirkорлик «Аёллар қаноти»нинг ўз куч ва имкониятлари даражасида ташкил этилганини кўраемиз. Жойларда айрим депутатлар ва партия фаоллари томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга етарлича эътибор берилмагани, менимча, энг жиддий хатоларимиздан бири, дейиш мумкин. Шу боис қўйи бўғинларимиз фаоллигини ошириш учун бор имкониятимизни ишга солаёلمиз. Очигини айтиш керак: уй-рўзгор юмуши, бола тарбиясини кундалик фаолиятининг асоси деб билган чекка қишлоқлардаги аёлларимизни уйларида олиб чиқиш, жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш осон иш эмас. Шунга қарамай, муайян натижаларга эришяёلمиз. Агар 2004 йил сафимиздаги аёллар сони 4030 нафар бўлган бўлса, бугун улар сони 7843 нафарга етди. Бир сўз билан айтганда, бугун О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими ҳам хотин-қизларда истиқлол ғояларига садоқат, она дёнберишмига меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш ҳамда тadbirkорлик кўникмаларини орттиришдек шарофли вазифани имкон қадар адо этаёلمиз.



# О'zLiDeP ва банклар ёш тadbirkорларга оқ йўл тиламоқда

## АЙНИ ПАЙТДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА 80 МИНГА ЯҚИН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН БЎЛСА, ҲАДЕМАЙ УЛАР СОНИ ЯНА 5 МИНГГАГА КЎПАЙИШИ ТАЪКИДЛАНМОҚДА

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI ASR»

2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни ривожлантириш мақсадлари учун 50 млрд. сўмдан ортиқ микрокредит, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тadbirkорлик фаолиятини бошлашлари учун 1,3 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиши режалаштирилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. О'zLiDeP вилоят кенгаши қўшма тadbirkорлик, фермерлар, банк-моллия, солиқ идоралари вакиллари билан ишчи тўриш томонидан зарур кўрсатма ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилаётгани эса ёш тadbirkорлар сафини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва республика Марказий банки ҳамкорлигида олий ўқув юртилари, касб-ҳунар коллежларининг битирувчи талабалари учун «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида ўтказилган махсус ўқув-семинарда ҳам ана шулар хусусида сўз юритилди. Тadbirkорлик О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходимлари, Марказий банк худудий бошқармаси ва тижорат банклари, «Микрокредитбанк» вилоят филиали, вилоят солиқ бошқармаси, Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тadbirkорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, шаҳар Бандликка қўмаклашувчи марказ ва О'zLiDeP «Ёшлар қаноти» вакиллари иштирок этишти. Шаҳардаги ёш тadbirkор ва ҳунармандлар томонидан тайёрланган махсуслотлар, буюмлар кўргазмаси ҳамда микроолийвий хизматлар кўрсатишга оид методик-услубий қўланмалар ҳам тadbirkор иштирокчиларига катта қизиқиш уйғотди.

Кун тартибидagi масала юзасидан О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари А.Алимов, «Ёшлар қаноти» раҳбари Ш.Орипов, партия вилоят ўртасида бандлик даражасини ошириш, уларни тadbirkорликка йўналтириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқда, — дейди партия вилоят кенгаши раиси Мустафхон Султонов. — Жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг амалиётни корхона ва ташкилотларда ўқашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, устоз-шоғирда айналарини йўлга қўйиш, ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Фақат шулар эмас. Тadbirkорлик субъектларини рўйхатда олиш муддатларини қисқарттириш, уларга нотурар жой биноларини ижарага бериш, махсуслотларини экспорт қилиш каби масалаларда ҳам яқиндан ёрдам кўрсатиляпти.

Тошкент давлат иқтисодий университетини талабаси, китоблик Шавкат Насимовдан ҳам шунга ўхшаш фикрларни эшитдик.

— О'zLiDeP аъзосиман, — дейди у. — Ёшлар ўртасида тadbirkорликни ривожлантириш, уларни мустақил фаолиятга йўналтириш, хусусан, олий ўқув юртилари ва коллеж битирувчилари ўртасида бандлик даражасини оширишда буғунги кунда тadbirkорларнинг аҳамияти катта. Тақдим этган лойиҳа маъқул келиб, автомобилларга техника хизмат кўрсатадиган МЧЖ очиш учун 30 млн. сўм кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритдим. Туманимизда бу каби ишлар билан шуғулланиб, яхшигина даромад топаётган тadbirkорлар оз эмас. Уларнинг фаолияти мен учун ибрат бўлиб хизмат қилади, албатта.

Тadbirkорликнинг бизнес-режалари бўйича тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди. Қарши Агробизнес коллежи талабаси, касбилик Феруза Махатовга асарчиликни йўлга қўйиш, шунингдек, яна 4 талабага кичик бизнес, оилавий тadbirkорлик билан шуғулланиш учун бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида «Микрокредитбанк»нинг кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари топширилди.

### Фермерлик ҳаракати қишлоқдаги ҳал қилувчи куч

## «Ўртабўз»ни обод қилаётган фермер

### НУРОБОДЛИК ФЕРМЕР САЪДИН ТЎХТАЕВ ТУҒИЛИБ-ЎСГАН ҚИШЛОҒИ — «ЎРТАБЎЗ»НИНГ ДАШТ ЕРЛАРИНИ ОБОД ҚИЛИБ, КЎПЛАБ ҲАМҚИШЛОҚЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАДАН

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI ASR»

Айни пайтда «Сарикўл чашмаси» фермер хўжалиги ишлаб чиқариши ҳам, ер майдонларини ҳам йилдан-йилга кенгайтирмоқда. Айтайлик: ҳужаликда 2009 йили ҳар гектар ердан 15 центнердан галла ҳосили олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 20 центнерга етди. Етти йил аввалги 150 гектар ер майдони эндиликда 365 гектардан ортиди. Фермерлар қишлоқда етакчи куч эканликларини амалда исботлаётган тadbirkорнинг келажақ режалари янада катта.

— Ерларимиз фақатгина лалми бўлгани учун ҳам ёмғирдан сув ичди, — дейди Саъдин Тўхтаев. — Лекин ҳосил оламан деган дехқон ҳар қандай шароитда ҳам имконият топади. Масалан, биз майдонларимизнинг тенг ярмига уруғ қадаёмиз, қолган қисмини эса «дам олдирамиз». Кейинги мавсумда айни шу ерга уруғ қадаёмиз. Бу усул 50 фоиз ҳаражатни иқтисод қилиш билан бирга шу жойнинг ўзидан икки баробар ҳосил олишга имкон беради. Хусусан, биргина ўтган йили бугдой ва арпадан 35 млн. сўм соф даромад олдик. Жорий йилда эса «Супер элита» навидан 90 тонна сара уруғлик ҳосили олиш мақсадида бор имкониятларимизни ишга солаё-

лардан ҳимоя қилишда ҳам қўл келмоқда.

Халққа қайишган одам сира кам бўлмайдиган, деган ақидани Нуробод туман кенгаши депутати, О'zLiDeP аъзоси Саъдин Тўхтаев мисолида ҳам қўриш мумкин. Ўтган йили чорвачиликни ривожлантириш бўйича қатор ибратли ишлари билан танилган фермер саъй-ҳаракати туйғулари жайлари молларни зотдор моллар билан сунъий чатиштириш йўлга қўйилди. Қишлоқ қабристон ободонлаштирилди. Жорий йилда эса фермер «Ўртабўз» қишлоғидан туман марказигача бўлган 30 чакирим масофадаги йўлни таъмирлаш режалаштиряпти.

**O'zLiDeP**  
Матбуот хизмати  
хабар қилади

**ТОШКЕНТ.** О'zLiDeP Тошкент шаҳар ҳамда Миробод туман кенгашлари ҳамкорлигида Автомобил ва йўллар институтида «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида ўтказилган давра суҳбати ёшларда тadbirkорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни кичик бизнес соҳасига жалб қилиш борасидаги устувор вазифаларга бағишланди. Мулоқот давомида мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритилиб, тadbirkорлик ривожига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ва уларнинг ечимини юзасидан турли мулоҳазалар ўртага ташланди.

**САМАРҚАНД.** Бугунги кунда хотин-қизлар жамиятимиз ҳаётида етакчи кучга айланиб бормоқда. Хусусан, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик соҳасидаги фаолияти эътиборга моликдир. О'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши ташаббуси билан Оқдарё, Қўшработ, Нарпай туманларида «Тadbirkорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ўқув-семинарлар ана шу мавзуда бағишланди. Тadbirkор давомида иштирокчиларга бизнес-режа тузиш, унинг аҳамияти, банклардан кредит олиш тартиби ва қонуний асослари хусусида кенг маълумот берилди.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши билан Тadbirkорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида Ҳўжалик туманида ўтказилган семинарда асосий эътибор партия электорати вакиллари бўлган тadbirkор ва фермерларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг билим ва кўникмаларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Тadbirkор низоҳида маҳаллий тadbirkор ва фермерлар фаолиятига оид кўргазма намойиш этилди.

**ХОРАЗМ.** О'zLiDeP вилоят Кенгаши ташаббуси билан Янгиерик туманида ташкил этилган «Қишлоқ фаровонлигини таъминлашда ёш фермерларнинг ўрни» мавзудаги давра суҳбатида ана шу хусусида фикр юритилди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни ривожлантириш, ёшларни, жумладан, таълим муассасалари битирувчиларини тadbirkорлик фаолиятига кенг жалб этиш олдидан бандлик даражасини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканлигини таъкидладилар. Урганч Санаят-транспорт касб-ҳунар коллежида ўтказилган давра суҳбати эса Президент Концепцияси мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланди. Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ҳаётий ғоялар ўз қамрови, жараёнларга мутлақо янгича ёндашуви билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Бинобарин, Концепцияни ҳар жиҳатдан пухта ўрганиш диққат марказида тутилши лозим. Давра суҳбатида кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни, жумладан, оилавий бизнесни ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш, тadbirkорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини кенгайтириш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси партиянинг Саринсое туман кенгаши раиси Холбоёв Соҳибовга онаси **Улаш момонининг** вафоти муносибати билан чўқур ҳамдардлик билдиради

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ —**  
**ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ**  
**«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида олий ўқув юртилари ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчи босқич талабалари учун:**  
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тadbirkорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тadbirkорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик фаолиятига кенгроқ жалб этишга қўмаклашиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган махсус ўқув курсларини ташкил этади.**  
**Махсус тadbirkорлар жорий йилнинг апрель-май ойларида республикамизнинг барча минтақаларида ўтказилиши режалаштирилган.**  
**Махсус ўқув сертификатлари эга бўлган ёшларнинг бизнес лойиҳаларига тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратилади.**  
**Қўшимча маълумотларни интернетдаги www.uzlidep.uz сайтидан олишингиз мумкин.**  
**«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ўқувларида иштирок этиш ва ўз бизнесингизни йўлга қўйиш.**





## Қалтис йўл

**XXI АСРГА КЕЛИБ ИНСОНИАТ ОБИҲАЁТНИНГ ЭНЕРГЕТИК ЗАХИРАЛАРДАН ҲАМ МУҲИМРОҚ СТРАТЕГИК РЕСУРСГА АЙЛАНГАНИГА ГУВОҲ БЎЛМОҚДА. ШУНДАЙ БИР ПАЙТДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАР БЎЙИДА ГИДРОИНШООТЛАР ҚУРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИНТИЛИШЛАР САЙЁРАМИЗ ЭКОЛОГИЯСИГА ЖИДДИЙ ХАВФ СОЛАЁТГАНИ МУТАХАССИСЛАР ТОМОНИДАН АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНМОҚДА**

Файзулло  
АБДУЛБОКИЕВ

Кейинги пайтларда Осиё ва Африка ҳамда Латин Америкаси минтақаларида ҳам трансчегаравий дарёлардан адолатли ва оқилона фойдаланиш мумаммоси ана шу дарёлар бўйларида янги гидроэнергетик иншоотлар қуриш бўйича лойиҳаларнинг юзга келиши оқибатида янада долзарб аҳамият касб эта бошлади. БМТ маълумотларига қараганда, бугун дунёда 260 дан ортиқ трансчегаравий дарёлар бўлиб, уларнинг 70 таси Европада, 53 таси Осиё, 39 таси Шимолий Америка, 38 таси Жанубий Америка ва ниҳоят, 60 таси Африка ҳудудида жойлашган. Яна ҳам эътиборлиси — уларнинг 155 таси икки мамлакат 100 дан ортиқроғи эса уч ёки ундан кўпроқ давлатлар ўртасида тақсимланган. Соҳа мутахассислари трансчегаравий ҳавзалар Ер юзасининг 45,3 фоизини қамраб олганини, бундай ҳудудларда сайёра-миз аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилиб, дунёдаги дарёлар оқимининг 80 фоизи мазкур минтақалардан ўтишини таъкидлаётганлар.

ларига кўра, сўнгги 50 йилда чучук сувга бўлган эҳтиёж уч баробар ортгани ҳолда экин майдонлари икки баробар кенгайгани асримизнинг ичимли сув билан боғлиқ муаммолари тобора чуқурлашиб бораётгани ва ҳақиқатан ҳам унинг стратегик ресурсга айланаётганини кўрсатмоқда.

Бошқача айтганда, кўплаб экспертлар тахмин қилаётганларидек, яқин 20-25 йилда чучук ва сугориш мақсадларида ишлатиладиган сув масаласи глобал муаммога айланиб, энергетика захиралари билан боғлиқ моjarолар ўрнини эгаллаши мумкин. Халқаро таълилчилар эса айна пайтда ер юзининг 2 миллиарддан ортиқ аҳолиси тоза сув етишмовчилигидан азият чекаётганини, Халқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг ҳисоб-китобларига қараганда орандан 30 йил ўтиб сувга бўлган эҳтиёж яна 60 фоизга ортиши таъкидланаяпти. Ер юзининг кўплаб минтақаларида содир бўлаётган моjarолар моҳиятига назар ташлаш, асосий кураш сув захиралари учун бораётганига амин бўламиз. Узоқда бор-майлик-да, Исроил-Фаластин, Исроил-Сурия моjarосининг келиб чиқиши ва уни бартараф этиш истиқболлари ҳусусида сўз борганида, сув масаласи ҳал


қилувчи роль уйнаганини тилга олишимиз мумкин.

Шу ўринда сув ресурсларига ниҳоятда муҳтож минтақа айнан Яқин Шарқ ва Шимолий Африка эканини кўрсатиб қўйган эди. 1960 йилга келиб эса Ҳиндистон ва Покистон Инд дарёси ҳавзасини ривожлантириш тўғрисидаги шартномани имзолаганига қарамай, 2005 йилга бориб улар сафига яна еттига мамлакат қўшилиши кутилмоқда. Африка сув ресурсларининг 75 фоизи 8 та трансчегаравий дарёда, аниқроғи — Конго, Нигер, Огова, Замбези, Нил, Сахара, Шари-Логон ва Волга-тада жамланган. Кейинги пайтларда давом этаётган қурғоқчилик туфайли ана шу дарёлар суви учун кураш янада авж олмақда.

Сув, албатта, ҳаёт, соғлиқ, қишлоқ хўжалиги ва саноат дегандир. Айна пайтда Кашмир атрофидаги Ҳиндистон-Покистон моjarолирининг давомийлиги ҳам бевосита сув қадри охирига бораётгани билан изоҳланаёпти. Покистон ҳудуди бўйлаб оқётган деярли барча дарёларнинг аввали, шу жумладан, Индининг бош сув артерияси Кашмирнинг Ҳиндистон назорати остидаги ҳудудлардан бошланади. Ҳар икки давлат ўз мустақиллигини эълон қилганидан бир йил ўтиб, аниқроғи — 1948 йилнинг баҳоринда Ҳиндистон

қўшни мамлакатнинг Пан-жоб вилояти далаларини сугорадиган каналларнинг йўлини тўсиб, рақибига «сув қуроли» нима эканини кўрсатиб қўйган эди. 1960 йилга келиб эса Ҳиндистон ва Покистон Инд дарёси ҳавзасини ривожлантириш тўғрисидаги шартномани имзолаганига қарамай, 2005 йилга бориб улар сафига яна еттига мамлакат қўшилиши кутилмоқда. Африка сув ресурсларининг 75 фоизи 8 та трансчегаравий дарёда, аниқроғи — Конго, Нигер, Огова, Замбези, Нил, Сахара, Шари-Логон ва Волга-тада жамланган. Кейинги пайтларда давом этаётган қурғоқчилик туфайли ана шу дарёлар суви учун кураш янада авж олмақда.

Сув, албатта, ҳаёт, соғлиқ, қишлоқ хўжалиги ва саноат дегандир. Айна пайтда Кашмир атрофидаги Ҳиндистон-Покистон моjarолирининг давомийлиги ҳам бевосита сув қадри охирига бораётгани билан изоҳланаёпти. Покистон ҳудуди бўйлаб оқётган деярли барча дарёларнинг аввали, шу жумладан, Индининг бош сув артерияси Кашмирнинг Ҳиндистон назорати остидаги ҳудудлардан бошланади. Ҳар икки давлат ўз мустақиллигини эълон қилганидан бир йил ўтиб, аниқроғи — 1948 йилнинг баҳоринда Ҳиндистон



нинг қўшни мамлакатлар манфаатини инобатга олмай, гидроэнергетик лойиҳаларни амалга ошириш режалари улкан экологик фалокатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бундай қалтис ҳаракатлар Сирдарё ва Амударёнинг қуйи қисмларидаги сув таъминоти билан боғлиқ вазиятни оғирлаштириши, шундоқ ҳам қуриб бораётган Оролнинг экологик ҳалокатини тезлаштириши, ҳудудда истиқомат қилаётган Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб фуқаролари ҳаётини хавф остида қолдириши мумкин.

Шу ўринда 1974 йилда лойиҳалаштирилган Роғун ГЭСидан қўзланган мақсад ва унинг оқибатларига тўхталайлик. Баландлиги 350 метрни ташкил этиши керак бўлган тўғон қуриб битказилса, у дунёдаги энг баланд ГЭС бўлади.

Агар ана шу режа амалга ошгудек бўлса, биринчидан, минтақадаги сув тақчиллиги муаммоси янада кескинлашиб, оқибатда экология ва қишлоқ хўжалигига миллиардлаб долларлик зарар етиши турган гап.

Иккинчидан, Роғун ГЭСи ер қўчкилари тез-тез содир бўладиган ва сейсмик жиҳатдан ўта хавфли зонада жойлашганини, кейинги

10 йилда ерости силкинишлари 30 фоиз фаоллашганини ҳам унутмаслик керак. Ваҳоланки, дунёдаги энг юқори, энг катта, энг замонавий технология билан жиҳозланган ва хавфсизлиги жиҳатидан нодир дея қўқларга қўрилган Сайн-Шушенск ГЭСининг қандай ҳунук оқибатларга олиб келганига ҳаммаиз гувоҳ бўлдик-ку. Ёки бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлигига нисбатан талаблари қатъий бўлган ва сейсмик фаол зонада энг илгор технологиялар асосида қурилган олиб бориладиган Япониядаги давлатда оғир фалокат содир бўлган экан, бошқа ҳеч бир мамлакат ўзини бундай балолардан ҳимояланган, деб айтмайди. Ушбу хатарларга қарамай, расмий Душанбе аҳолиси онгига энергетик мустақиллик ҳақидаги пуч гояларни қуюшда давом этаёпти. Ваҳоланки, XX асрнинг ўзида Марказий Осиёда, хусусан, Тожикистонда юз берган кучли ерости силкинишлари минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлганини унутиб бўладими?

Тожикистон дарё сувларини истеъмол қилиши мумкин, ammo халқаро меъёрларга кўра, сувни тўсиб қўйишга ҳаққи йўқ.

Экспертларнинг фикрича, ҳудудда йирик ГЭСларга нисбатан кичик ҳажмдаги, масалан, 10 мВт қувватли гидроэнергетикани ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Биргина Хитойнинг ўзида ана шундай қурилмалардан 60 мингтаси фаоллаштирилган бўлиши бунинг яққол исботи эмасми?

Шунинг учун ҳам бир қатор экспертлар томонидан Тожикистонга аҳоли пунктлари яқинида кичик гидроиншоотлар қуриш тавсияси берилаяпти. Қолаверса, улар йирик сармоялар талаб этмайди. Битта объектни ишга тушириш 30-150 минг АҚШ долларини микдоридики маблағни талаб этади, холос. Бошқа бир тоифа мутахассислар эса гелиомажмуалар ва шамоел электростанцияларидан кенг фойдаланишни мақсадга мувофиқ санамоқдалар. Йилига 250-300 кун мобайнида қуёш нури сочилиладиган тоғли ҳудудларда иссиқлик станцияларини ишга тушириш иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдалидир. Бунда кўмир ҳам энергиянинг муқобил манбаи вазифасини ўташи мумкин. Ваҳоланки, Тожикистонда шу кунгача 40 га яқин кўмир кони аниқланган.

## Qishloq Qurilish Bank

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»И ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, ЯНГИ ИШ ЎРНИЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШНИ РАФБАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ҲАМДА БАНК ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАР АСОСИДА МОЛИЯВИЙ КЎМАК БЕРИШ БОРАСИДАГИ ТАДБИРЛАР ДОИРАСИДА**

**«Энг яхши бизнес-режа» номинацияси бўйича ўтказилган кўрик-танлов натижаларига кўра кўйидагилар ғолиб деб топилди:**

### 1-ЎРИН:

«**БАХТ ОМАД**» савдо-таъминот ишлаб чиқариш корхонасининг Қашқадарё вилояти Қарши туманида том ёпғич (металл-черепица) материалларини ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режаси

### 2-ЎРИН:

«**VISUS MED**» хусусий корхонасининг Тошкент вилояти Оҳангарон туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида хусусий клиника ташкил қилиш бўйича бизнес-режаси

### 3-ЎРИН:

«**АЛЪЯН**» фермер хўжалигининг Қорқалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги халқаро автомагистралда «Кемпинг» ташкил этиш бўйича бизнес-режаси  
*Танлов ғолиблари имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.*

### Ҳурматли тадбиркорлар!

- «Энг яхши инновацион лойиҳа»;
- «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа»;
- «Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа»;
- «Энг яхши ёш тадбиркор»;
- «Энг яхши аёл тадбиркор»;
- «Энг яхши инвестицион лойиҳа» — номинациялари бўйича танловда қатнашиш учун ҳужжатлар қабул қилиш давом этмоқда.

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

### Олов ўз кучини кўрсатаёпти



Ҳалдан ташқари қуруқ ва иссиқ ҳаво туфайли 13 апрель кунини Мексика ҳудудига етиб келган ўрмон ёнғинлари натижасида 100 минг гектардан ортиқ ер майдони ёниб кетгани маълум бўлди. Айна пайтда эса аланга кучли шамол туфайли тезлик билан мамлакат ичкарига ҳаракатланаётгани хабар қилинмоқда. Ўт ўчирувчиларнинг барча зарур техник воситалар билан таъминланганига қарамай, офат янада кўпроқ ҳудудларни қамраб олишда давом этаёпти.

АҚШнинг Техас штатида бошланган ёнғин эса саксонга яқин турар жой биноларини вайронга айлантган. Баландлиги 5-6 метрни ташкил қилган кучли аланга Жефф-Девис ва Милленд округидаги мутахассислари Техасдаги ёнғин бошқа штатлар ҳудудига ҳам ўтиши мумкинлигини таъкидлашган. Тилсиз ёвга қарши Нью-Мексико, Колорадо, Канзас, Миссури Оклахома штатларида ҳам хавфсизлик чоралари кўрилмоқда.


### Гудлакнинг қўли яна баландда



Нигериянинг амалдаги етакчиси Гудлак Жонатаннинг президентлик сайловида ғолиб бўлгани эълон қилинди. 16 апрель санасида ўтказилган сайлов бюллетенлари таҳлилига кўра, Гудлак 57 фоиз, унинг асосий рақиб Мухаммад Бухорий эса 31 фоиз овоз олишга муваффақ бўлган.

Мутахассислар Гудлак Жонатан номзодини қўллаб-қувватлаган сайловчиларнинг асосий қисминини Нигерия жанубида истиқомат қилувчи аҳоли ташкил этганини таъкидлашмоқда. Мухаммад Бухорийга эса асосан мамлакатнинг шимолий қисмида яшовчи аҳоли хайрихоҳ бўлган.

### Берлускони Альфанони танлади



Италия бош вазири Сильвио Берлускони 2013 йилда ваколат муддати тугаганидан сўнг бош вазир лавозимига ўз номзодини қайта қўймайдиган бўлди. Ҳукумат раҳбари хоризк матбуоти вакилларига берган интервюсида ўз ўрнига амалдаги адлия вазири Анжелино Альфано келиши мумкинлигини айтиб ўтган. Қарийб тўрт соат давом этган учрашувда хоризкий нашрларнинг 22 нафар журналисти иштирок этган.



### Юнонистон қарзни қайтармоқчи

«The Daily Telegraph» нашрининг хабар беришича, Греция ҳукумати 2013 йилда бюджетта 15 миллиард евро, яъни 22 миллиард доллар маблағ олиб келиши керак бўлган давлат активларини кенг миқёсда хусусийлаштириш лойиҳасини эълон қилди. Бу жараёни мамлакатнинг 340 миллиард евроини ташкил этаётган йирик давлат қарзларини узишда ёрдам бериши мумкин. Хусусийлаштириш ва бюджет қарзларини кесил лойиҳасининг тафсилотлари Юнонистондаги Пасха байрамидан сўнг эълон қилинади. Дастлабки маълумотларга қараганда, давлатнинг гидроэнергетик корпорациялардаги улуши 51 фоиздан 34 фоизгача камайиши мумкин. Эслаб ўтамиз: ўтган йили Греция қарзлари туфайли дефолт оstonасига яқинлашиб қолган ҳамда Европа Иттифоқидан ёрдам сўрашга мажбур бўлган эди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси жамоа масъул ходими Шўҳрат Шомуродович АБДУЛЛАЕВга отаси Шомурод АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Биз — 20 ёшдамиз»

## Камолот пиллапоясидаги шахдам одимлар

**«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҲЪАТИ ФОРУМИ», «МЕҲР НУРИ» ЖАМҒАРМАЛАРИ ҲАМДА «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИ, «АЁЛЛАР КЕНГАШИ» ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «БИЗ — 20 ЁШДАМИЗ» АКЦИЯСИ ЁШЛАР УЧУН КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯСИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ИДИЖОН ВИЛОЯТИ БОСҚИЧИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛДИ**

**Илхомжон ЭҒАМНАЗАРОВ,**  
«XXI ASR»

Акциянинг энг йирик лойиҳаларидан бири — буш иш ўринлари ярмаркаси Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғида бўлиб, унда 450 та корхона, ташкилот ва муассасалар 3300 та буш иш ўринлари билан қатнашдилар.

— Мен яқинда «Нозима малҳами» хусусий корхонасини очиб, тикувчилик, пайпоқ тўқиш цехлари ҳамда диагностика маркази фаолиятини йўлга қўйдим, — дейди корхона раҳбари Нозима Оллаёрова. — Бунинг учун 257 минг АҚШ доллари миқдоринда инвес-

тиция жалб этилиб, тиббий диагностика — компьютер томографияси олиб келиб ўрнатилди. Натيجада 48 та иш ўрни яратилди. Бугунги ярмаркада яна 20 та буш иш ўрни билан қатнашган. Келажгимиз эгалари бўлган ёшларни қўллаб-қувватлашда ушбу тadbир катта аҳамиятга эгадир.

— Янги ташкил этилган «Олмос текстиль Анд» МЧЖнинг ип-йигирув ва калава ишлаб чиқариш цехларига Германиядан келтирилган дастгоҳлар ўрнатилган, — дейди корхона ходимлар бўлими бошлиги Юлдухон Камолхўжаева. — Бугунги ярмаркада 25 та буш иш ўрни билан қатнашган.

Акция доирасида «Лингво мастер» лойиҳаси бўйича талабалар ўртасида хо-

рижий тиллар билимдонлари танлови ҳам бўлиб ўтди.

— Мен бу танловда биринчи марта қатнашганман, — дейди Андижон давлат университети хорижий тиллар факультети талабаси Раъно Эшонхўжаева. — Биринчи босқичда тест топширдик. Иккинчи босқичда инглиз тилида иншо ёздик, учинчи босқичда эса инглиз тилида мунозарага киришдик. Танлов сабаб хорижий тил бўйича билимларимни ҳам синаб олдим.

Акция доирасида ўтказилган ёш тadbиркорлар форуми ҳам ёшларда катта таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларни Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Нигора Ёқубова, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази бошқарув раиси

Камолдин Бекназаровлар қизгин кутладилар. Шундан сўнг ёш тadbиркорлар ҳузурда банк, солиқ, адлия, савдо-саноат палатаси, кредит уюшмалари раҳбарлари сўзга чиқиб, ёш тadbиркорлар учун яратилган шароитлар, берилган имтиёзлар ҳақида атрафлича маълумотлар бердилар.

— Мен ўзим талабаман, лекин аллақачон тadbиркорликни бошлаб юборганман, — дейди Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси Ҳаётбек Махрамов. — Асосан аҳолига сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйганман. Яқинда форум жамғармасидан 1 миллион сўм миқ-

дорида кредит олдим. Энди ўзимга ўхшаган бошловчи тadbиркорлар учун ўқув маркази очмоқчиман.


Акцияда иштирок этган ёшлар билан суҳбатлашиб, нуфузли анжуман доирасида ўтказилган барча тadbиркорлар андижонлик ёшлар учун ҳар томонлама фойдали кечганига амин бўлдик.

Тadbир якунида эса республикамиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Биз — 20 ёшдамиз» номли концерт дастури намойиш этилди. Унда «Нихол», «Келажак овози» танловлари ғолиблари ва «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреатлари ҳам иштирок этдилар.

## «SAM ROS XOLOD»

Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси куйидаги замонавий қурилиш материаллари ва халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаради:

1. Неноволистиролли деворбоп металл сандвич-панеллар;
2. Неноволистиролли том ёпиш учун металл сандвич-панеллар;
3. Неноволистиролли цементли сандвич-панеллар;
4. Профилист;
5. Металл профиллар;
6. Неноволистиролли плиталар;
7. Пластмасса яшчиқлар.



Манзил: 140300, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани.  
Гунобед кўрғони (мулк): Самарқанд тумани ҳокимлиги). Директор: Ширван Акбар Раҳमतов, тел.: (+99891) 555-89-89.  
Боғлаш учун: Маркетинг бўлими менежери Вилан Саъдуллаев, тел.: (+99899) 691-9-691, (+99899) 273-75-59.  
Факс: (9989) 812-54-22, e-mail: info@samrosxolod.uz



## Энди «Ту-154»да учмайсиз

Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси маҳаллий йўналишлардаги парвозларнинг 98 фоизини эски «Ту-154»лар ўрнига келтирилган «А-320» ҳамда Чкалов номидаги ТАИЧБда ишлаб чиқарилган «Ил-114-100» русумли замонавий ҳаво лайнерлари орқали амалга оширомоқда.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда эса авиапаркнинг қолган икки фоизини ташкил этувчи «Ан-24»лар хизматидан ҳам яқин орада бутунлай воз кечилиши маълум қилинди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тантаналари арафасида «А-320» русумли самолётлар сони 10 тага етказилса, яқин истиқболда яна иккита Boeing-787 Dreamliner ва тўртта Boeing-767 авиалайнерлари харид қилинади.

Матбуот анжуманида, шунингдек, авиакомпания раҳбарияти ва мутахассислари сўй-ҳаракатлари билан парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилатганига ҳам алоҳида урғу берилди. Хусусан, жорий йилда «Тошкент» халқаро аэропортида соатига 400 нафар йўловчини қабул қила оладиган аэровокзалнинг қурилиши ниҳоятга етказилди. «Бухоро» аэропортида жаҳон талабларига жавоб бериладиган ва юқори технологиялар билан жиҳозланган янги терминал ишга туширилди.

Бундан ташқари, авиаюкларни ташиш ва агентлар билан ишлаш тизимлари такомиллаштирилатгани, жумладан, 2010 йилда ташилган 50 минг тонна (2009 йилга нисбатан 63 фоиз кўп) юкнинг қарийб ярми «Навоий» аэропорти қўшиқдаги интермодал логистика маркази орқали ўз манзилга етказилгани, Индонезия, Қирғизистон ва Россиянинг бир қатор компаниялари билан янги агентлик шартномалари имзолангани айтиб ўтилди.

## ҚУРИТИЛГАН, ШИФОБАХШ ПАПАЙЯ




Африка, Жанубий Америка ва Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида етиштирилади.



КАМҚОНЛИК



СЕМИЗЛИК



## ПАПАЙЯ МЕВАСИНИНГ СИРЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Одимлар томонидан Папайя меvasи таркибидан ноёб микроэлементлар, протеология ферментлар, пананин, хитонантин, протеиназа «Ш», В, А, С, D витаминлар, альбумин ва темир моддаси топилиган. Шунинг учун бу шифобахш мева кўп касалликларнинг олдини олиш ва даволашда қўллашга мумкин.

## ШИФОБАХШ ПАПАЙЯНИНГ ТАЪСИР ДОИРАСИ

Орган ва туқималарда туз йиғилишининг олдини олади ва даволайди. Умуртка остеохондроз, умуртка орасига диск чурраси (I-II босқич), бугинлар остеоартроз, қангли диабет, жигар касалликлари, камқонлик (анимия), онколог-ичак касалликларининг олдини олади. Папайя орқали оғирликни йўқотиб, чиройли қоматни сақлаб қолнишда ёрдам беради. Папайя меvasи ва уруғидан топилиган модда рақ туқималарини йўқ қилиш хусусиятига эга. Папайя сизга соғлом ҳаёт ва узоқ умр кўришга ёрдам беради.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН  
ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Маълумотлар учун тел.: (+99897)4061532.  
e-mail: info@papaya.uz

## Називин®

дЛЯ НОСОВ И НОСИКОВ

### Показания

- Лечение острых респираторных заболеваний, сопровождающихся насморком;
- аллергический ринит;
- вазомоторный ринит;
- для восстановления дренажа при воспалении придаточных пазух полости носа, евстахиите, среднем отите;
- для устранения отека перед диагностическими манипуляциями в носовых ходах.

Регистрационное удостоверение П-6-242 №00432, 5-250-08 №0198  
Отпускается без рецепта врача  
Оказываете в аптеках  
Имеются противопоказания.  
Перед применением проконсультируйтесь с врачом.  
Мерк КГА Германия для Никомед  
Товар сертифицирован



Новый дизайн упаковки Називин

- Препарат от насморка для взрослых и детей с первых дней жизни
- Обладает продолжительностью действия до 12 часов
- Производится в Германии

XXI ASR  
ILTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

ТАХИРИ ХАЙЪАТИ: Мухаммадсўф ТЕШАБОВЕ, Абдурашид ЖўРАБОВЕ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баходир ҒАНИЕВ, Зиндулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мўхлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шўхрат НОРИТОВ, Шўхрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Кўям НАЗАРОВ.  
ТАХИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, ТемурабДУРАХМОНОВ, Тоҳир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шўхрат ОХУНЖОНОВ. БОШ МУХАССИС: Миродил АБДУРАХМОНОВ.  
МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖўРАЕВА.  
БЎДИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxbорот ва таълим, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар в аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона: 215-63-80 (тел./факс).  
ТАХИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI\_ASR@yahoo.com, XXI\_ASR@mail.ru  
© «XXI ASR»-дан олинган маълумотларда мавба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.  
«Ўзбекистон» НМИУ басмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тadbиркорлар ва ишбилармонлар харакати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта ўйратилган ўтган.  
Бўғуртма рақами: J 1587 Тираж: 16 396  
Баҳоли келиштирилган нархда.  
Тошхирлиди — 0400  
Навбатчилар:  
Т.АБДУРАХМОНОВ, С.ЗОИРОВ.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406